

Ҳанафий мазҳабнинг нақл қилиниши

16:10 / 28.03.2017 2748

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи алоҳида катта фикҳий китоб таълиф қилмаганлар. Баъзи бир «ал-Фикҳул Акбар», «ал-Олим вал Мутааллим», Усмон ал-Баттийга ёзган рисола ва Қадарияларга раддия тарзда ёзган рисолаларига ўхшаш кичик рисолалар ёзганлар. Бу рисолаларнинг барчаси илми калом ва мавъизага оиддир. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи фикҳда алоҳида китоб ёзмаганлар.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг фикрлари ва ижтиҳоди самараларини у кишининг шогирдлари нақл қилганлар ва китоб шаклига келтирганлар.